

АКУТАГАВА АСАРЛАРИДА ДИНИЙ-МИФОЛОГИК МОТИВЛАР ИНЬИКОСИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14543644>

Абдуллаева Насиба Бўроновна
ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети
Фалсафа кафедраси доценти, ф.ф.д.
nasiba.abdullahayeva.1969@mail.ru

Аннотация: Мақолада Акутагава асарларида диний-мифологик мотивлар инъикоси ўрганилган. Рюноске Акутагаванинг ҳаёт ўйли, ижодий фаолияти, япон адабиётида тутган ўрни таҳлил қилинган, Асарларидаги фалсафий моҳият кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.

Калим сўзлар: Акутагава, япон адабиёти, диний-мифологик мотивлар, япон маданияти.

Жаҳон адабиётида ўзига хос ўрин тутган Япон ёзувчisi Рюноске Акутагава 1892 йил 1 мартда Токиода туғилган. Унинг отаси фермер, онаси машхур зиёли Акутагавалар оиласига мансуб эди. У дунёга келганида ота-онаси 30 ёшдан ошган эди. Японияда ўша вақтларда кеч фарзанд кўриш хурофий одатларга кўра бехосият ҳисобланиб, ота-оналар болани гўёки ташлаб кетишиган деб, яқинлари тарбиясига беришган. Рюносуке Акутагавани бефарзанд холаси тарбиялаган. 1910 йил Акутагава Токио муниципал ўрта мактабини аъло тугатиб инглиз адабиётини ўрганиш мақсадида Токио коллежининг адабиёт бўлимига ўқишга кирган кейинчалик, 1913 йил Токио университетининг инглиз тили бўлимида таҳсил олган. Маъruzалар уни қизиқтиргмаган учун ёзувчи университетга бормай қўяди ва "Синсите" журналида фаолият олиб боради.

Ёзувчи ижодининг бошланиши 1915 йилга тўғри келади, "Расёмон дарвозаси" ва "Бурун" ҳикоялари янги истеъододли муаллиф пайдо бўлганлигидан дарак беради. 1916 йил университетни тутгатгандан сўнг, Акутагава ҳарбий-денгизчилик мактабида инглиз тили ўқитувчиси лавозимида ишлади. Кейинчалик ҳалол, бироз содда ўқитувчи Ясукити ҳақида турли новеллалар орқали бу даврдаги ҳаётини тасвирлаб беради. Бу давр унинг ҳаётидаги энг самарали йиллар бўлиб тўққиз ой ичida у йигирмага яқин қиссалар ёзди. Кейинчалик у "Маиничи Шимбун" газетасининг ходимига айланади.

Акутагава қисқа умри давомида кўп ўқиган, япон эстетик классикаси, ғарб ёзувчиларининг маҳорати ёзувчини ҳайратлантирган. Рус ёзувчилари орасида у Толстой, Достоевский, Тургенев, Гогол, Горкий, Андреевни, Сологуб, Арцибашев, Пилиньяк, ғарб адабиётида Франс, Ибсен, Бодлер, Стринберг ижоди билан таниш бўлган. Ўша даврда Япония ғарб билан яқинлашиш учун илк қадамлар ташлаётган эди. Ғарб адабиёти анъаналарига мувофиқ йўналишлари, оқимлар, ижодкорлар етишиб чиқа бошлаган эди. Япон ёшлар Россия, Франция, Германия, Англияга қизиқиб улардан кўплаб янгиликлар кашф этаётган, афсус тақлид асарлар ҳам пайдо бўла бошлаган эди. Айниқса бошловчи адиблар орасида ғарб адабиётига сингиб, қўшилиб кетиш хавфи бор эди. Аммо, Акутагава уларга қўшилиб кетмади, балки ўзига хослиги билан ажralиб турди ва замонавий япон адабиётига асос солди.

Акутагава ҳикояларида кўплаб инсоний иллатлар, жумладан, худбинлик шахснинг эмас бутун жамиятнинг ўткир муаммоси сифатида кўрсатилади, айниқса миф ва диний масалалар талқини алоҳида ўрин эгаллайди. Ўтмишни тасвирлашга мойиллиги ҳақида Акутагава: "Қадимги давр ва замонавий инсоннинг руҳи жуда кўп умумийликларга эга. Ҳамма гап шунда" дейди.¹ Шунинг учун, у қадимги давр ва замонавий одамларнинг ҳаракатлари, фикрлари ва психологиясининг ўхшаш жиҳатларини излайди ва кўрсатишга интилади. Акутагава мутлақо янги, скептик, рационалист модернист адаб эди, асарларида япон мифологияси, идентиклиги, маданий анъаналари ва замонавий мотивларни уйғунлаштиришга ҳаракат қиласи.

Бугун дунёда турли мифларнинг моҳиятини ўрганиш, уларга қайта баҳо бериш тенденцияси кучайиб бормоқда, агар илгари уларга уйдирма сифатида ёндашув шаклланган бўлса, ҳозирги кунда уларни архаик билим сифатида қабул қилиш авж олмоқда. Афсоналар донолик манбаи бўлиб улар таркибидаги умумжаҳон архетипик маъноларга мурожаат қилиш орқали бадиий асар кўпмаънолилик кашф этади. Бу тенденция йигирманчи аср адабиётига ҳам хос бўлиб: "1920-йиллардан бошлаб, яъни модернизмнинг гуллаб-яшнаши адабиёт, деярли ҳар бир бадиий матн, тўғридан-тўғри ёки билвосита, афсонадан фойдаланишга асосланган"². Шу нуқтаи назардан қадимги Япон маросимлари ва афсоналарини билмасдан Акутагава асарларини тушуниб бўлмайди. У кўплаб ҳикоя ва новеллаларида мифологияга мурожаат қиласи. Жумладан, "Кўғирчоқ-Хина" ҳикояси ҳам япон мифологияси, маданияти анъаналари акс этган асар ҳисобланади. Ҳар бир япон оиласи учун Хинамацури-қизалоқлар

¹ Акутагава Р. Новеллы. Эссе. Миниатюры: пер с яп. / Вступ. Статья А.Стругацкого. – М.: Художественная литература, 1985 с.126

² В. П. Руднев. Словарь культуры XX века. М.Аграф 1997С. 34

байрами(Хина-қўғричоқ, мацури-байрам) минг йиллардан буён муҳим аҳамият касб этиб 3-март куни нишонланади. Бу қизалоқлар ўйнайдиган оддий чиройли ва қиммат қўғирчоқларгина эмас жамиятнинг ижтимоий иерархияси символини ҳам кўрсатади. Байрам олди ҳар бир оила 15 тадан кам бўлмаган қўғирчоқларни кўргазмасини ташкил қиласди. Ушбу кўргазмада қўғирчоқлар ёрқин қизил мато устида уч, беш ва етти қаватли қилиб жойлаштирилади. Энг юқори қаватда император ва малика, кейин саке узатаётган учта хоним, беш мусиқачи, икки тансоқчи ва уч хизматкор туради. Энг пастки қисмда мусиқа асбоблари, ўйинчоқ сервислар ва таомлар ва турли уй жиҳозлари туради. Япон мифологиясида қўғирчоқлар гўёки табиий офатлар ва бошқа баҳтсизликлар, касалликлардан ҳимоя қилган. Шаманлар ёвузлик ва баҳтсизликни қўғирчоқларга ўтказиш маросимини ўтказишган ва бу бало офатларда кутулиш учун у қўғирчоқларни дарёга оқизишиган.

Рёноске Ақутагаванинг “Қўғирчоқ-Хина” ҳикояси мавзуси камбағаллашиб қолган Куни оиласи қўғирчоқларининг сотилиши ҳақида. Турли хил қимматбаҳо тошлар билан ясанган қироллик оиласи қўғирчоқлар иерархияси антиквар Марушига сотилиши тасвирланади. Аввалига Ацурининг отаси қўғирчоқларни сотишни истамайди, аммо кейинчалик 18 ёшли акаси Риики бу эски одат, эски матоҳ нимага керак дея онаси билан баҳслашиб киноя қилиб кулади ва отаси уни сотишга кўнади, қўғирчоқни Америкалик киши сотиб олмокчи бўлади. Қиз бошида қўғирчоқлари сотилишидан хафа бўлмайди, аммо онаси қаттиқ куйинади, негаки бу қўғирчоқлар оддий ўйналадиган қўғирчоққина эмас, балки оила бирлиги, бутунлиги, Япон давлатчилиги рамзи ҳам. Қўғирчоқлар байрами минг йиллар олдинги қадимги Нингё маросимларга бориб тақалади. Қадимги Японияда Нингё қўғирчоқ эмас худолар ва одамларнинг рамзий тасвирлари. Бу Японча сўз икки иероглифда ёзилган, уларнинг сўзма-сўз таржимаси "одам тасвири ёки сурати" деган маънони англатган.

Қўғирчоқлар сандиқчаси билан Йокогамага, янги эгасига кетишга тайёргарлик кўрилади, она ухлаганидан фойдаланиб қиз отасига бориб охирги марта кўрай деб ялинади, аммо отаси рухсат бермайди. Ацури ҳамма ухлаганда кўриб биротасини яшириб қўйсамми, қани ёнғин бўлса қўғирчоқлар ҳеч кимни қўлига тушмаса, ёниб кетса деб ўйларкан ухлаб қолади. Бироздан кейин уйғониб кетади, сандиқча устида қўғирчоқларни териб қўйиб томоша қилиб ўтирган отасига кўзи тушади, аммо эртаси бу ҳушимиди, тушими迪 билмайди.

“Қўғирчоқлар болаларни бежиз ҳайратлантирумайди немис файласуфи Е. Г. Геккелга кўра ҳар бир инсон ўзининг индивидуал ривожланишида, яъни онтогенезида ҳам аждодлари йўлидан боради, болалар психологик жиҳатдан

катталарга қараганда фолклор-мифологик, архаик дунёқарашга яқинроқ ва шунинг учун қўғирчоқлар билан доим ўйнашга, улар билан гапиришга, уларни ўрнига ҳаракат қилишга, уларнинг ўрнига йиғлашга ва кулишга қодир.”³

Болаларнинг қўғирчоқ ўйинларида барча халқларнинг қадимги мифологик ғоялари жонланади, тикланади. Энг муҳими, бундай ғоялар ва тегишли тасвиirlар дунёning деярли барча халқларининг анъаналарида ифодаланган антропогоник афсоналарда мужассамланган. Акутагава “Қўғирчоқ Хина” новелласида қўғирчоқларни япон хонадонининг муҳим таркибий қисми эканлигини кўрсатиб берган.

Акутагава “Огата Ресайнинг гувоҳлиги”, “Масиҳийнинг ўлими”, “Журиано Китиске”, “Нинка Масиҳ”, “Ўргимчак тўри”, “Солиҳларнинг ўлими”, “Авлиё” каби асарларида диний мотивларга мурожаат қиласди. Ушбу асарлар Японияда христианликнинг тарқалиши ҳақида бўлсада япон миллий рухини очиб беришга хизмат қиласди.

“Тамаки ва шайтон” новелласида япониялик фермер ва шайтон ўртасидаги диалог тасвиirlанади. Шайтон эккан ўсимлигини номини топса шудалани унга совға қилишини айтади. Шунда фермер ғолиб чиқади ва тамаки Японияда тарқалиб кетади, шунинг учун Японияда насронийлик деганда тамаки тушуниладиган бўлиб қолган дея кинояли мулоҳаза билдиради ёзувчи. “Журиано Китиске” асарида эса насронийлар ўз маънавий идеалини излаётган, бунинг учун қурбонлик қилишга тайёр бўлган имонли одамлар сифатида тасвиirlанган.

Акутагаванинг асарлари лўнда, қисқа ёзилган, икки ёки уч сўз билан у ширали ва ёрқин тасвиiriни бериши мумкин. Муаллиф кўпинча персонажлар ва вазиятларни ҳазил ва киноя билан тасвиirlайди. Акутагава 20-аср одамининг дунёқарашини бошқа географик, тарихий ва маданий қатламларнинг тарихий ва маданий аналоглари билан боғлаб етказишга муваффақ бўлди ва Япониянинг қадимий илдизларга эга анъаналарини чуқур тасвиirlаш орқали қисқа ҳикоя-новелланинг бекиёс устаси бўлиб етишди. Унинг қисқа умри нафақат Япония, балки бутун дунё адабий ҳаётида ўчмас из қолдирди.

Акутагавы в будущее.

Критик Т.Х. Кун-Ки рассматривает повесть «В стране водяных» как произведение пограничное, «представляющее собой переход от сатирической утопии к антиутопии» [5, с. 165]. По нашему мнению, Рюноске Акутагава создал скорее антиутопию, изобразив «мир вверх ногами», мир парадоксов, в

³Куклы в системе культуры. Лотман Ю.М.(1922-1993) Игры в куклы (Япония). Япония сегодня № 8, 2005, с. 24-27.<http://ec-dejavu.ru/d/Doll.html?ysclid=l8opmh7ruz41799707>

котором нормальный человек существовать не может.

Литература:

1. Акутагава Р. Новеллы. Эссе. Миниатюры: пер с яп. / Вступ. Статья А.
2. Стругацкого. – М.: Художественная литература, 1985. – 607 с.
3. Стругацкий А. Три открытия Рюносек Акутагавы // Акутагава Рюносек. – Новеллы; Эссе; Миниатюры. – М.: Худож. лит., 1985. – С. 3-24.
5. Санович В. Фантазия или реальность// Акутагава Рюносек. В стране водяных: Повесть. – М.: Гослитиздат, 1962. – С. 5-12
6. <http://rutlib4.com/book/971/p/0>
7. Японская мифология: энциклопедия / Сост., общ. ред. Н. Ильиной и О.
8. Орловой; худож. Е. Савченко. – М.: Эксмо; СПб.: Мидгард, 2007. – 464 с.
9. Koon-Ki T.H. Why utopias fail: A comparative study of the modern anti-utopian traditions in Chinese, English and Japanese literatures. University of Illinois, Urbana-Champaign. – Illinois, 1986. – 308

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

10. Акутагава Р. Новеллы. Эссе. Миниатюры: пер с яп. / Вступ. Статья А.Стругацкого. – М.: Художественная литература, 1985. – 607 с.
11. Акутагава Рюносек. В стране водяных: Повесть. – М.: Гослитиздат, 1962.
12. Японская мифология: энциклопедия / Сост., общ. ред. Н. Ильиной и О.Орловой; худож. Е. Савченко. – М.: Эксмо; СПб.: Мидгард, 2007.